

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАХОСИ 4 СҮМ •



— ЭНА ДЕ, БОЛАМ!

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

## «МЎҶИЗАЛАР МАЙДОНИ»ГА МАРҲАМАТ!

Сиз «Останкино» телевидениеси орқали намойиш қилинадиган «Поле чудес» кўрсатувини яхши биласиз. Сизди ҳам ўйинда шитирок этиш истаги туғилган бўлиши табиий. Ишонаверинг, орзунинг ушаладиган бўлди.

Андижон вилояти Пахтаобод тўманидаги Улуг Ватан уруши II тоифа ногирони Мухторжон Ҳакимов номидаги шилбади чиқарни ва тижорат хусусий кичик корхонаси ўшбу ўйинни Ўзбекистон миёссида қайтадан ташкил этиб, Сизларни 21 ноябр соат 15.00 да Тошкентдаги Тўқимачилар маданият саройида қизиқарли шоу — дастур асосидаги

«МУЖИЗАЛАР МАЙДОНИ»ГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ўйинга видеомагнитафон, музлатгич, чангютгич, стереомагнитафон, телевизор, кир ювши машинаси ва биллур сервислар, пардоз анжомлари, эркаклар кўйлаги, хон атлас, сояблар, болалар кийимлари каби ноёб ва қимматбаҳо ютуқлар қўйилади.

Ўйин шитирокчилари томошабинлар орасидан савол бериш йўли билан сараланади. Бундан ташқари томошабинлар учун ҳам умумий ютуқли ўйин ўтказилади.

Дастурга таниқли хонанда ва қизиқчиларнинг чиқшилари ҳам кири-тилгани.

Сиз «Мўжизалар майдони»да Ўзбекистон тарихининг янги, ҳаққоний талқинидаги саҳифалари билан танишиш имконига эга бўласиз.

Хуллас, «Мўжизалар майдони»да Сизни бир қатор тасодифиий мўжизалар кутмоқда.

Дастурни Рамиз Қодиров олиб боради.

Чипталар Тўқимачилар маданият саройи кассасида сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиши учун буюртмалар қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси — 45. Маълумот учун телефон: 53-36-65.

Кейинги сонларда:

АЗИЗ АБДУВАЛИ:

ШАЙТОН ОРАЛАГАН  
ХОНДОН

МУҲАММАД АЛИ ИБРОҲИМ:

«ҚИМТИНИБ, ТОЙЛОҚОВ  
БЕРАДИ ХАБАР»



(46)64 «Оила ва жамият»


Бир куни

# ЯРИМ СОАТЛИК ДИКТАТОР

Биринчи синфа ўқиётган кезларим. Мактабдан келдим-у, устки кийимларимни ҳам ечмасдан, ўзимча яхшилаб анча лой тайёрлаб, пишишиб, кенглиги бир метрча қилиб доира, ўртасига эса супача ясадим. Ўтоворимиз керагасини ўраб турган чийнинг қамишларини сугуриб олиб, уларни ихлос билан доира қилинган лойга қадаб чиқдим. Сўнгра ўтоворинг қипқизил тизмасидан узун қилиб қиркиб олдим-да, лойга қадалган қамишларинг ташкотомонидан айлантириб ўрадим. Бу ишларни тутагумича роса терладим. Кўздан яхтай бир пиёла сув ичдим-у, отамнинг шапкасини кийиб олдим.

Шундоқина ёнгинамиздаги боғнинг тўрида Сталиннинг ҳайкални бошини қандай мағрур тутиб, қўли билан уфқини кўрсатётган бўлса, мен ҳам худди шу вазиятда қамишлар билан ўралган доира ўртасидаги супачага чиқиб олдим. Қўзимни юмиб олганман. Бир қўлимда китоб, қўлим толиб кетса ҳам чирадим. Туравердим, «Бунима туриш!» деган товушни ёшитдим. Қўзимни очдим. Шундоқина ёнимда Панжи амаким турардилар. Шунда ҳам қўлими тушноригани ўйк. «Қўлингни тушнорсанг-чи, толиб кетгандир», «Тушнорман. Сталин бўймоқчи-

Жуманазар БЕКНАЗАР



Суратчи: С. МАҲКАМОВ

Инсон зотининг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам бир сиким түпроқ. Яратганинг ҳузурига барча бир тусда боради ва Оллоҳ берган бир парча ерга эга бўллади. Гафлар ўтқонидаги бандалар тўрт кунлик дунёда ўтқини ҳавасларга учиб, сохта шуҳратга бериладилар. Бу ҳю-ҳавас шу даражага етади, ҳатто марҳумлар ортидан ҳам обрў ортириши пайдо бўладилар. Марҳум қабрига қўимматбахо тошлилар қўйиш, кишини ҳангуман қиласиган саганалар барпо этиш ҳам шу манманликинг касри. Суҳбатдомин — Мурод ака И ногомов чорак асрдан бери Чигатой қабристонида қабр тошига ёзуви уста.

## «ИШСИЗ ҚОЛИШДАН ҚЎРҚМАЙМАН»

— Айни қирчиллама йи-  
гитлигимда — 17 ёшимда  
келгандим бу ерга,— ҳикоя  
қиласи Мурод ака.— Саккиз  
йил тош қуювни бўлиб ишлади-  
м. Сўнг ўн беш йилга яқин  
тошларга шакл бериш билан  
шугуландим. Уч йил бўяп-  
тики, тошларга битик ёзаман.

— «Тош қуювчи бўлиб  
ишлаганман», дедингиз,  
Қабротош бевосита қолипга  
куйиб тайёрланадими ёки  
тайёр мармарга шакл бери-  
ладими?

— Қабротошларинг ҳам  
ҳар хили бўлади. Асл, қўл-  
бала деғандай. Қўлбала са-  
ғаналар мармар увоги, тоза  
цемент, шагал билан аралаш-  
тириб қолипларга кўйилади.  
Шакл бериш, мармар плитаси  
ёпиширилгач, марҳум ҳаки-  
даги мъалумот ўйн ёзилади.  
Асл саганалар тоза мармар-  
тошдан тайёрланади.

— Тошлар турлича бўлар  
екан. Нархлари ҳам шунга  
яраша бўлсан керак!

— Ха, албатта. Бу тош-  
нинг сифатига, буюртмачи-  
нинг истагига, катта кичик-

лиги-ю, безакларга боғлиқ.  
Қўлбola тошларнинг нархи  
2000—3000, тоза мармар-  
ники эса 10000—15000 минг  
атрофида бўлади.

— Ҳом ашени қаердан  
оласизлар!

— Тошларни Тошкент  
мармар заводидан олиб ке-  
ламиш. Бошқа материаллар —  
цемент, шагал, арматура — ҳар жойдан келтири-  
лади.

— Аҳли мусулмон қаб-  
рини тош билан бостириш  
ислом динидаги ман этилган  
екан. Сиз буни билармидин-  
гиз!

— Қабротош қўйиш гуноҳ  
эканлигини аввал, тўғриси,  
билимасдим. Одамлар буюрт-  
ма берган, шунни бажарган-  
миз-да! Қабротошларни қўйиш  
Исломда ман қилинганини  
билгач, буюртма бериш ҳам  
кеслин камайб кетди.

— Буюртма бериш, пулини тў-  
лаб кетгандар ҳам тайёр  
саганаларни олиб кетишма-  
яти. Аввалини бир ойда  
70—80 та буюртма бўларди,  
хозир ойига 10—15 тага ту-

шиб қолди. Бунинг биринчи  
сабаби динга эътибор кучай-  
ди десак, яна бир сабаби  
қимматчиликда бўлса керак.

— Динга қарши кураш  
даврида «юқоридағилар  
сизларга қандай муносабатда  
бўлган!

— Бундан 10—15 йил ав-  
вал қабристонларни замона-  
вийластиришга уринишарди.  
Қабротош энг кўп қўйилган,  
иш қизиган давр эди. Фақат  
дахрийлик кучайган йилларда  
«юқори»дан келиб, сага-  
налардаги ой шаклини, араб-  
ча ёзувларни, «жойи жаннат-  
да бўлсин», «худо раҳмат  
қиссин» деган сўзларни ман  
қилиб, тилхат ёзириб, шу-  
нақа сўзларни ёсангизлар  
жазолаймиз, деб кетишган.  
Улар қабротошларда беш  
қирорлик юлдуздан бўлак  
бирон бегли бўлмасин деб  
тайниншарди.

— Оилангизни боқиши  
қийналийсизли!

— Тўрт фарзанднинг ота-  
симиан. Хотиним, катта қизим  
ишлайди. Шунда ҳам аранг  
кунини-кунинга етказиб, яшаб  
тирибис. Буюртмалар камиши  
билиш ҳам үринлари  
ҳам қисқарди. Аввал устахо-  
нада 20 киши ишлардик. Хозир  
12 киши қолдик. Шундай  
бўлса ҳам ойлигимиз  
жуда кам. Иш бўлса пул чи-  
қади-да!

— Эшитишмича, Чигатой  
қабристонида марҳумларни  
қариндошлари қабр-  
лардан тошларни кўчириб  
кетишётган экан. Ишсиз қо-  
лишдан кўрқмайсизми?

— Бошга тушганини кўз  
кўтара дейишади-ку! Ҳудога  
шукур, қўлимдан бошқа иш  
ҳам келади. Ишсиз қолишдан  
кўрқмайман.

Эгаманазар ОСТОН  
суҳбатлашди

Етти кун

### ТОШЛОҚЛИК ПАҲЛАВОН

Тошлоқ туманинг шифохоналардан бирда ҳамшира бў-  
либ ишловчи Турсуной Ҳасанова фарзанд кўрди. Ҷақалоқнинг  
оғирлиги нақ б кило-ю, 200 грамм. Тошлоқлик қариялар ҳам  
яқин орада бунаقا паҳвалон дунёга келганини эслаша олмади.

### СУВТЕКИН

Термиз — Сариосиё йўналиши бўйича поезд қатнови йўлга  
қўйилди. Кира ҳақи бор-йўғи 40 рубл. [Термиздан Сариосиёга  
автобусда йўл олган киши бориш-келишига 540 рубл тўлайди].  
Айниқса талабаларга мазза бўлди: улар поездда борарага 20,  
кайтарга 20 рубл. тўлашиди холос, дея хабар беради мухбири-  
миз М. АБУЛФАЙЗ.

### ТАЪЗИМ ҚИЛДИ

Мамлакатимиз пойтахтида Шароф Рашидовнинг ҳайкали  
очилди. Унинг атрофи жамоат ташкилотлари вакиллари ва фуқа-  
ролар келтирган гуллар билан тўлиб кетди. Ҳусусан, Фирқа  
фаҳриси Расул Гуломов ҳам ҳайкал пойига гул қўйиб, севимили  
сафдоши сиймосига таъзим қилди.

### ВАРЗАКДАГИ ОЛИШУВ

Тошлоқ туманинг Варзак қишлоғида кетаётган такси қаттиқ  
тормоз берби, тұхтади. Одамлар шошиб бориша, ҳақови бил-  
лан ўйловчи ўтирган жойларда муштлашишаётган экан. Мушт-  
лашува ўйлерикинг қимматлиги сабаб бўлган. Жанжал такси-  
нинг орқага қайтиб кетиши, ўйловчининг эса қолган манзилга  
автобус кутиши билан тугади.

### ВАХ!

Ҳозир Сирдарёда истиқомат қилаётган бир хонимга тюмен-  
лик собиқ эридан 18 минг (!) сўмлик алимент келди. Бу бир ойли-  
ги. Газетимизнинг бош мухаррири ҳозир олти мингнинг нари-  
берисида маош олишини назарда тутганда, хонимнинг даромади  
чакки эмас, а!

### СУЮНЧИ

Термиз шаҳрида яшовчи Дмитрий Кузнецов деган киши  
«Заря Сурхана» вилоят рўзномасида «Ит йўқолди» сарловҳали  
эълон берди. Эълонда итнинг насл-насаби, ранги-рўйи, боз устига  
кексалиги, бир қасаллик сабаб кулоги оғирлашиб қолганини  
баён итилган. Итбокар ҳатто жонинорнинг ошқозони ёмон иш-  
лаши, агар парҳез билан овқатлантирилмаса ўйис қолиши ҳеч  
тап эмаслигини ҳаяжон билан маълум қиласи. «Одамлар, ҳам-  
дард бўлинг, ўйқолган жонинорни топишга кўмаклашинг»,  
дайилади ва пировардидаги қариб, кулоги тош битган, ошқозони  
бузуқ ити топиб бергана суюнчиси ҳам борлиги эслатиб ўтила-  
ди. Вилоят газетида чиқсан эълон мазмунини айтишмиздан  
мақсадни балки англатандирсиз. Брат Дмитрийнинг карулоқ  
ити тағин адашиб бошқа вилоятларга ўтиб кетмадимикин! Унут-  
манг, ахир суюнчиси бор!

### ПУЛ ТОПИШНИНГ ЙУЛИ КЎП

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Денов туманларидан ис-  
тиқомат қиљувчи нафақаёт ва муаллимларга пул тарқатувчилар-  
нинг шу кунларда калласи гаранг. Нега дейизимиз! Уларга ҳар  
ойда банкадан фақат беш мингталик рубл беришишоқда. Кўпинча  
нафақаёт ёки муаллимлардан бу пулга қайтам чиқмайди.  
«Тадбиркор» одамлар беш мингталик майдолаб, пул ишлаш-  
га тушдилар. Масалан, Денов шаҳрида ёки Олтинсой тумани  
марказида яшовчи пулдор кишилар беш мингталик пулни майдолаб,  
эвазига уч юз рублдан «меҳнат ҳақи» олишишоқда.



Суратчи: А. ТЎРАЕВ

## ДАСТУРХОН ҚОҚҚАНДА

Кечки нонуштадан сўнг (корон-ғуда) дастурхонни қоқманг. Кексаларнинг айтишича, бу хосиятсизлик бўлиб, рўзгордан файзу барака кетади.



## Маслаҳатлар

### ОМИН ҚИЛАЁТГАНДА

Овқатланни бўлгач, туриб кетишга шошилманд. Омин қилишдан олдин дастурхондан коса, санчки, пичноқ каби нарсаларни йиғиштириб олинг. Кексаларнинг айтишларича, булар, хусусан, дастурхонда турган пичноқ яхши ниятларни кесар экан.

Кўп чой ичилавергач, пиёла ичи сарғайб қолади. Бундай пиёланни ёки стакани озоқ ош тузи солиб, сув билан ювсангиз оппоқ бўлиб ялтирайди. Умуман шиша идишларни шундай тозалаш мумкин.

риб, туз билан ишқалаб артсангиз, таомларни қорайтируйдиган бўлади.

Сирсиз идишга ёпишиб қолган додларни сиркага ботирилган пахта билан артиб, кейин ювик ташласангиз, топ-тоза бўлади.

Сабзавот ва меваларни салқин ва коронғуроқ жойда сақлаш керак.

Сариёғни сирка шимдирилган салфеткага ўраб ва ёнига икки чақмоқ қанд қўйиб устига бирор идиш тўнқариб қўйилса, мазаси анчагина яхши сақланади.

## САБЗАВОТНИ ҚАНДАЙ САҚЛАШ КЕРАК?

Мана, пишиқчилик фасли куз ҳам тугаб бораётир. Бозорлардан турли мева ва сабзавотларни айни ҳарид қилиш вақти. Кўпгина хона-

дон соҳиблари қишига сабзи, пиёз, картошка каби маҳсулотларни жамғариш тараддууди.

Сабзавотларни-ку, сироб олдингиз, аммо қандай сақлаш керак? Қайғурманг. Ҳовлингизнинг қоремтири тегмайдиган бирон-бир бурчагидан ярим метр чуқурликда (энни маҳсулот мидкорига қараб белгилайсиз) ўра қазинг. Сўнг сабзини солиб, устидан эски каллак ёки клёнка қозогини ёби, тупроқ билан яхшилаб кўмиб қўйинг.

Бундай усулда сақланган мева-сабзавотларни қишида музламай, сархил ҳолда туради. Еримизнинг яна бир фойдали томони: ёзда — манба, қишида — музлатгичидир.

Али ШЕР тайёрлади



## «ТУЛИК» ОИЛАННИГ ФАЙЗИ

Америколик мутахассислар олий мактаб талабаларининг ўқишида ютуқларга эришиши учун нималар қилиш лозим деган мазмунда ота-оналарга ҳар хил сўровлар билан мурожаат қилдилар.

Сўров натижаларидан шу нарса мълум бўлдик, 81 фоз ота-она фарзандининг келажакда эришадиган ютуқларни учун яхши маълумот олиши зарурлиги таъкидлаган. 79 фози оила мустаҳкам бўлса ҳам талаба истаган нарсасига эришиши мумкин деб хисоблайди. Ўзларининг аъло ўқиши ва ташкилотчилик сифатлари билан «ким бу ким» рўйхатига тирикалган 78 фоз талаба анаънавий «тўлиқ» оиласда, яъни ота-оналари билан бирга яшашар экан.

## КИМ ҲАМ ИСТАРДИ

Сўнгги уч йил мобайнида ўн нафар Омсклик ўз жинсини истовчилар сағифа кўшиди. Кизизи, уларнинг бари аёл. Тўғри, вилоят бош сексаптологининг галига қарангандা шу ниятдаги эрқаклар ҳам бўлган. Бироқ текшириш натижасида уларнинг ҳаммаси руҳий хаста эканлиги аниқланган.

Ҳайрон қолмаса ҳам бўлади: ҳозир қайси «ахмоқ» аёллар бошидаги ташвиши шерик бўлишини истарди.

## ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ...

Эски Кримлик бир жанобнинг хоними билан оилавий мажароси узок вақт давом этди. Эр жанжалга чек қўйининг ўзиға хос усулини кўллади: чўнтағидан граната чиқариб, унинг чегасини сугирди-да, хотинининг оёғи остига улоқтирди. Гумбурлаб портлаш содир қўлди. Бироқ, хоним ва унинг ёндиғиги қариндошларининг эти ҳам тирналмади, эр кўл жаборати эса бир градус пасайган. Ақли ўзгармайди.

## АҚЛИНГИЗ ЎЗГАРМАЙДИ

Одам 11 кечакундуз ухламаслиги мумкин экан. Буни Сан-Диеголик 17 ёшли Ренди Гарднер ўз тажрибасида испотлади. У 12-кунин бор-йўғи 14 соату 40 минут ухлаб, кейин олдинги ҳаёт режасига тушиб олди. Тажриба олимлар томонидан жиддий ўрганилди. Кизизи, мижознинг иштахаси анча ошган, тана ҳарорати эса бир градус пасайган. Ақли ўзгармайди.

Олимларнинг хуласасига қараганда, узок вақт ухлашнинг одамга жиддий зарари йўқ. Жумладан, фойдаси ҳам.

## ХУСАЙН СУЗИДА ТУРАДИ

Саддам Хусайн мамлакатида инсон хукуқларига қатъий амал қилаётганини айтиб, истаган журналист Ироққа келиб буни ўз кузи билан кўриши мумкин деган эди. «Вечерний Челябинск» газетининг мухабири Александр Скирилов бундан тўғри хулоса чиқарди: шу ниятда Ироқнинг Масковдаги эзлихонасига ташриф этидаги ушбу мамлакатга таклифнома олди. Бориши ва қайтиш паттаси пулни (100 минг рубл) ҳомий тўлади. Қолган ҳаражатлар Саддам Хусайн ҳисобига.



Суратчи: А. ТУРАЕВ

**ЎЙ-ЖОЙИ, СЕВГАН КАСБИ БЎЛГАН**  
аёл ҳаётининг аччиқ-чучугини тотган, қалби пок, ўзининг ва ўзганини қадринга етадиган, қўлида ҳунари бўлган киши билан ҳаётини боғлаш ниятида. [Фарзанди бўлса яна ҳам яхши]. «Оила — 126» га деб ёзинг.

## 33 ЕШДА

**ЯШАВ ЖОЙИМ Самарқандада. 3 нафар қизим бор. Иккни йил бўлди оиладан ажрашганим. Ёғиз фарзандманд. Банкни ҳисоби бўлиб ишлайман. Ёши 42-43 лар орасидаги меҳрибон, садоқатли эркак билан турмуш қуриш истагидаман. «Оила-127» жавобини кутади.**

## 31 ЕШДА

**Ёши 30—40лар орасидаги хушумомала, ишчак, ростгўй, ичмайдиган, кам чекадиган, онлапарвар жаноб билан танишиб, оила қурмоқчиман. Касбим-иқтисодчи. Тұрмушта чиқмаганим. Вазним ўртача, күренинишмдан нолимайман. Яшаш жойим Самарқандада. «Оила — 125» хатларинигини кутади. Манзилини таҳририятдан олишининг мумкин.**

## 28 ЕШДА

**Каттақўргонлик, фарзандсизлик туфайли ажрашган,**



**Собиқ ҳамкурсизим, дўстимиз ҲАЛИМ ОМОН ўғли!**  
Таваллуд кунингиз қўтулғи бўлсин. Сизга сиҳат-саломатлик, оилангизга тинчлик-омонлик, ижодингизга баркамоллик тилаб, қиёматлик

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман ички шилар бошқармаси жиноят қидирив бўйлини ходимлари Одилжон НЕҶМАТЖОНОВ ва Абдурашид МУСАЕВларни 10 ноябр — ўзларининг байрам санаси билан табриклаймиз.

Бир гурух ўртоқлари номидан Абдукаюм,

«Танишува» эълони баҳоси 25 сўм, Шунингдек, «Табрик», «Ўзаро савдо» эълонлари қўйидаги тартибда белгиланган: 1 босма белгисининг (харф, тинши белгеси) баҳоси бир сўм. Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. Эълон бир ой муддатда чиқарилади.

Ўн-кун муҳлат ичада бериладиган эълонлар иккиси баравар қиммат.

Эълон учун тўланаидиган пуль почта ёки телеграф орқали ўтказиш ўйли билан қўйидаги манзилга жўнатиш: 700029, Тошкент — 29. Номидилар хиёбони, 1-й. «Оила ва жамият» таҳририятига.

(46)64 «Оила ва жамият»



Узбекистон терма жамоасининг устози Рустам Акрамов футболнамаган.

Футбол шиқибозлари яхши билсалар керак, аргентиналикларнинг устози Карлос Биллярда ҳам асли футболдан чиқмаган. Үнинг касби врач бўлса-да, жамоаси жаҳон чемпионатларида катта зафарлар қўчган. Ажабмаски, бизнинг Рустам ака ҳам футболчиларимиз билан унинг изидан борсан...

— Рустам ака, мураббийлик сизга мансабни ёки оддий вазифа!

— Униси ҳам, буниси ҳам деёлмайман. Мураббийлик — масбулият. У шундай бир «арзанда» ишни, омад чопса 2—3 йилда одам дунёга танилиб кетишни мумкин. Карабсизки, каттакатта мансабдорлардан тортиб оддий касбдагиларгача сизни яхши кўриб қолади, ҳавас қиласди, юртошларнинг эса бир умр фахрланниб юради. Акси бўлса-чи, унда тамом деяверинг... Мураббий учун энг муҳим нарса ақл ва истеъод.

— Балки «Жиндер» моддий манфаатдорлик ҳамдир!..

— Албатта, бусиси бўладими? Футболчини оёғи боқади. Оёқининг ишланиши бошга, бошники эса кайфиятга боғлиқ. Ҳозир ҳар бир футбольчининг кайфиятига қараф чўнганинг «ахволи»ни билсангиз бўлади.

— На пулни, на «номи» бор Узбекистон терма жамоасига мураббийисиз. Тўғриси, бу ерга қандай келиб қолдингиз!

— Бугунги вазифам учун Михайл Горбачёвдан миннатдорман. Рост гап, шу пайтгача донгдор жамоаларнинг асосий рўйхатидаги битта ҳам учрашни ўтказмаганман. Фақат футбол назариясини ўрганганиман. Жисмоний тарбия олийгоҳини тутгаттанимдан сўнг «Пахтакор»га таклиф қилишганди. Пешонамга ёзилмаган экан, унинг сафида ҳеч бўлмас 15 дақиқа бўлса-да майдонга тушолмадим. Жамоага кабул қилинган кунимнинг эртасига ўзим ўқинган олийгоҳдан «совчи» келип аспирантурага киришим зарурлигини айтишибди. Чорасини тополмасдан яна қайтиб кетдим. Аспирантурани битирганимдан кейин шу ерда домла бўлиб қолдим.

— Аслида тўп телишга ўзингизда иштиёқ бўлмаган эканда!..

— Ҳа, кўпроқ мураббий бўлишга кизиқардим. Футбол ўйнасам у билан хайрлашгач, нима ис қиласман деб, кўп ташвишланардим.

— Сизни 1982 йил Испанияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Жазоир терма жамоасининг мураббийлари сафидаги бўлган дейишиди. Шу тўғрими!

— Йўқ. Мен Жазоирга 1987 йилда борганим. Спорт назарияси ва технологияси олийгоҳида профессор бўлганиман. Кейинчалик ўзим жамоа тузиб мураббийлик қилдим. Шогирдларимга мамлакат биринчилигига яхши ўрин ҳамда ярим-профессионал деган он олиб бердим.

— Четин кўрган мутахассис эканлиз, кетиб юбормайсизми, Оврупамаруплага қараб..!

— Ўзимизда ҳам кимdir футболни жонлантириши керак...

— Тўғри, аммо Узбекистон шароитида 10 йил ишлаб толганинг обрўю, бойликка у ёқда 2—3 йилда эришиш мумкин деб ўйлайман!

— Ундайлар мингдан битта, иккита чиқади, холос.

— 1990 йилги Валерий Непомнишчикини эслайсизми!...

— Менимни яҳсиатдан ишбилашмон, қаттиқўл мураббий. Комерунда

ҳам худди биздагидек футболга сиёсат курсисида ўтирганлар кўп аралашади. Лекин у ҳаммасига ниради. Ҳали собиқ Итифоқда њеч ким забт этолмаган дунёни титратди. Шунингдек, унинг омади, билими ҳам бор экан. Биласизи, Непомнишчикининг кўл остидаги футболчиларнинг кўпини Англия, Франция, Белгиядаги професионал клубларда ўйнареди. Уларга раҳбарлик қилиш, гап уқтириш ҳам осонсан.

— Нима дейиз, Узбекистон 1998 йилда жаҳон чемпионатида қатнаша оладими!

— Албатта қатнашамиз. Яқинда 4 йиллик иш дастуримни тизиб чиқдим. 1993 йилдан бошлаб Хитой, Полша сингари Осиё, Оврупадаги кўпигина жамоалар билан халқаро ўтколик учрашувлари ўтказамиш.

— Шогирдларингиз Германия ёки Италия, Англия, Аргентина каби терма жамоалар билан «ёқама-ёқа» баҳслашшига тайёрми!

— Энди худди шунга тайёрланяпмизда.

— Эштишишмача сизнинг мураббийлик лавозимнингизга ҳасад қилидиганлар ҳам бор экан...

— Ҳозирча бунақаси учрамади. Бу вазифани сотиб олганим йўқ. Хоҳлаганларга истаган вақтда топширишим мумкин. Билмадим, журналистлар бундай миш-мишларни кимдан эшияди...

— Ҳозирги шогирдларингиздан қайсилирага кўпроқ ишонасиз?

— Пятницкий, Кечинов, Максудовлар ҳали футbolda кўп мувоффакиятга эришиши аниқ. Қолганлари ҳам аста-секин ўз ўйин услубини топиб олади.

— Уларни профессионал футбольчилардан қолишидиган қайси жиҳатларни биласиз!

— Чет энликлар машғулот вақтининг ярмини атлетизм билан шуғуланишига сарфлайди. Бизникилар эса аксинча. Турсли оғирлидаги тошлар,



— Футболимизни умумжамоа ҳисобида бошқа мамлакатларга таққосласас-чи!

— Бизникилар майдоннинг фақат рақиб томонида хужум қилишади-да тўпни йўқотганда ўзига тегиши бўлган кисмida уларнинг хужумини кутиб турдиди. Оврупада бу футбольнинг энг пассив жиҳати ҳисобланади. Шунингдек Оврупада ҳамма нарса пулга боғлиқ. Бизнинг эса ҳозирча пулнимиз йўқ.

— Узбекистоннинг ФИФАга қабул қилинмаганингига нима дейиз?

— ФИФАнинг бирорта аъзоси мамлакатинизни келиб кўрмаган. Футболимиз ҳакида тасаввuri ҳам ийк.

— Салким бир йилдирки, Россия матбуоти Ўрта Осиё футболи тўғринга «ғозига» келганини ёзмоқда. Мураббий сифатида сизнинг ҳамиятингизга тегмайдими булар!

— Улар бизни ерга ўриш учун фақат матбуотда эмас, балки юзма-юз учрашганимизда ҳам ўзларнинг ҳасадини ошкор этган пайтлар бўлган. Қисқаси, уларга тангридан инсоф, ўзимизниларга эса куч-ғайрат тилайман.

— Оилангизда сиздан бошқа спортилар ҳам борми!

— Йўқ. Отам мен бир ёшга тўлғанимдада оламдан ўтган. Онам эса шу йилнинг ўзида қайтиш қилди. Ҳозир иккى қизим бор. Турмуш ўртоғим украинларданди.

— Нече ёшдасиз?

— 1948 йил Янгибозорда туғилгандан.

— Ҳали футbolda кўп ишлашингиз мумкин экан. Ёки бошқа ишни ҳам «кўзлаб» юрбисизми?

— Ниятим қўлимдан келганча мураббийлик қилиш. Бир куни ҳаётимда асқатор деб француз тилини ҳам ўрганиб қўйганиман.

— Кемириасиз, қайси футбольчилар билан оиласив борди келдингиз бор!

— Ҳали шогирдлариминг ҳам, бошқа футбольчиларнинг ҳам хонадонига бутун оиласимиз билан бормаганмиз. Шунингдек бизникига ҳам њеч ким келмаган. Тўғрисини айтсан вақт камлик қимлоқда. Шундай бўлсада шогирдларимиз билан тез-тез хабарлашиб турман.

— Кун тартибининг хисусида ҳам бироз маълумот берсангиз!

— Эрталаб турбиди бироз машқ қиласан, нонуштадан сўнг федерацияга бориб қунлик янгиликлар билан танишаман. Қолған вақтни футbolda назариясига багишлайман. Бундан 5, 6 йил илгари кеч кириши билан тахминан бир соатлар чамаси тош кўтариши, турнирда турли машқларни бажариш билан шуғулланардим. Ҳозир эса...

— Якин дўстларингиз асосан қайси соҳа кишилар!

— Илмий даражадаги одамлар. Уларнинг орасида футболга умуман қизиқмайдиганлари ҳам бор. Жисмоний тарбия олийгоҳидаги барча домалар менинг энг яқин ўртоқларим.

— Дам олиш кунларингизни ҳамда бўш вақтларингизни қандай ўтказасиз? Севимли машғулотингиз нима!

— Кўпинча ўйда бўламан. Бўш вақтларимда денгиз сайдига чиқишни ёқтираман, аммо ўзингиз биласиз... Севимли машғулотин шахмат.

Суҳбатдош Нормурод Мусомов



гантеллар билан машқ қилмасдан жисмоний камолотга тўлиқ эришиб бўлмайди ахир.

— Атлетизмнинг футbolga қандай алоно?

— У жисмоний иродани мустаҳкамлайди. Чарчаб қолишдан сақлайди. Айтайлик сизнинг техникангиз мениндан иккى баробар устун. Менинг жисмоний иродам эса сизнидан худди шунча ўқори. Демак, сиз ўз техникангизни ишга соловериб охири толикиб қоласиз. Мен эса худди шу нуқсонингиздан кўпроқ фойдаланаман, чарчамайман ҳам, чунки атлетизм билан машқ қилганман-да. Футболда энг муҳими ҳам ана шу. Суяги нимоне бўлган ҳар бир футбольнига штанга кўтариб машқ қилишини тавсия қиласман.



«Оила ва жамият» 64(46)

# ҚУЛОҒИНГИСГА АЙТАЙМИ БИЙ ГАПНИ?

Фаллаороллик Орзубекни танийсизми? Танимайсизми? Орзубекни?... Кулокни ейдиган Орзубекчи! Нега ағраясыз? Гарангисиз? Күлоқ борми ўзи? Қани, беринг-чи: миянгизни қоқиб күллингизга беради у. Шунака, жуда серсовол. Ҳуллас, у сизни тинчтимайди. Мазза қиласиз-да аммо... Утган галги келишимдада билан танишиб, жуда чиқишиб кетганимиз. Ака-указим, деб айтольмайман. Чунки у мени «бова» деб чакиради. Гарчи отасидан олти ёш чиқиб бўлсан ҳам. Асрор ака ўйига бошлаб борди-да, меҳмон келди, қаранглар, Орзубек, боявон келди, қара, деб ичкарига овози қилди. Қейин ишга шошилди. Бу ерни ўз ўйингиздек билиб мақолани ёзаверни, деди у киши кетатириб. Остонада пайдо бўғган Орзубек сўраб қолди: «Ота, менам ўз ўйимдад билайми!» Сўнг менга юзланди:

— Ассалом, бова, кўшишамизми?  
— Кўшишамиз.  
— Вўнг қўл билан.  
— Ўнг қўл билан. Ие-е, қўлга нима қилди?

— ...  
— Кўлингга нима қилди?  
— Айтмайман.  
— Яра-ку?  
— Алдатас.  
Сидирилган бармоғини кўрсатдим:  
— Яра.  
— Оғримайдими?  
— Тузалмайди.  
Орзубекнинг етоворда уйга киарканман, дастлабки мулокотдан, болалар дунёсининг содда ва тозалигидан яйрайман. Тузалмайдиган оғримайдан бир зумга фориғ бўламан — барни унутаман. Қейин вактни фанимат билиб, соатимга қараб кўйиб, мақолани бошлашга уринаман. Орзубекдан бошқа ёч ким йўқ. Тилагим: Орзубек халакит бермас экан. Қаёқда! Ҳало соатимга қараганимда унинг ҳам кўзи тушган экан: — Бова-а, соат кимники?

— Ўзимни.  
— Ким оббейган?  
— Акам оберган.  
— Алдатас.  
— Ҳа-ал!  
— Алдатас, катталайнинг ўзи олади. Отам ўзи олган-ку!

— Менга кичиналигимда олиб беришган.

— Менга оббейишмаяпти. Каттайсан оббейиш экан. Ҳа-а, сизга кичиналигингизда оббейишган экан-да?!

Орзубек жум бўлиб қолди. Кўриниб туриби, хафа бўлди. Мен ҳам жум бўлди — хафа бўлдим ёлғонидан. Жимлик узоқка чўзилмади. Орзубек тилга кирди.

— Соатин бейинг.  
— Ҳа-а?  
— Бий тақиб кўяй.  
— Кўлингга катта-ку!  
— Э-э, бейинг.

Мақсади аниқ бўлса-да, ўсмоқчиладим:

— Нима қиласан, отангга берасанми?

— Отамда бой.

— Отангда бўлса, кўлингга катта бўлса, нима қиласан?

— Э-э, бейинг-эй, ушлаб юмсан!

Индамай соатимни узатдим. Узата туриб, соат милларига кўзим тушди. Уч бўпти! Оббо, ҳалиям ёзини бошламадим-а, дега ўзимни ёзғирдим. Орзубекни ҳайдадим: — Бор, ўйнаб кел!

— Сиз-чи?

— Мен ёзаман.

— Нима ёзас, бова?

— Макалани қандай ёзас бова?

— Билмадим.

— Билмаснгиз қандай ёзас, бова?

— ...

— Ана менинг отам, билмаснг

гапиймаям, ёзмаям деган.

— Оббо, жим ўтири, бўлмаса.

— Жим ўтиймайман. Отам, жим ўтиймай ишла, деган.

— Бор, ишла бўлмаса.

Орзубек соатимни ушлаб ҳовлига югурди. Кўнглимдан ўтири. Соатни синдириб кўймасайди. Бекорга хавотирланибман: зум ўтмай соатни кўлида силкитиб қыйтиб келди.

— Бова, манги тақинг.

Суюниб кетдим. Менга жуда зарил бўлса бу савил. Эрта суюнибман. Орзубек қандай чопиб кирган бўлса, шундай кета туриб қичкирди:

— Кейин ташлаб кета-ас-с бора-ва...

Оббо Орзубек-е. Жуда антиқа-да. Пишиклигини қаранг. Негадир Орзубек ҳақида ўйлай бошладим ва орзуландим: ўғлинг бўлса шундай шўхшаддод, серсовол. Ўғлинг бўлса, олти ошик ўйнаган... Беихтиёр боланинг отасига — Асрор акага ҳавас қилдим. Марҳум шоир сатрарнин тақорладим: Ўғлинг бўлса, олтин ошик ўйнаган...

Халларимга Орзубекнинг қыйтиб кириши ва саволи чек қўйди.

— Бова, ёздингисми?

— Йўқ, ҳали.

— Менам иш тополмадим...

Оббо, энди уни ҳайдаш қийин. Овоба бўламан. Кетмайди.

— Бова-а...

— Ҳа-а?

— Қайанг, қизил пламастий.

— Кимники?

— Меникимас.

— Меникидир?

— Сизнекимас!

— Ҳа-а?

— Тоғамнинг ули бейган — менини!

Хўкм қаттиқ, ҳулоса аниқ — фламастр уники. Ёлғон, — бефойда. Бироқ қизил фламастр ҳам Орзубекнинг тезда жонига тегди. Кўшни хонага ўғурди. Бирор муддат ўтарётмас, хонадан самокатини етаклаб қичкирди:

— Бова, қайанг.

— Ҳа-а?

— Самокатин тагига йозиб қўйгандан — балван деб.

— Қани?

— Мана-мана, кўймаяпсизми?

— Кўрмаяпман...

— Мана-ку!

— Буни кўрпаман, ҳарф эмас-ку?

Ким ёзи!

Орзубек бениҳоя ифтихор билан кўкрагига уради.

— Ўзим йозганиман!

Қаттиқ кулиб юбордим. Жин урсин. Орзубекдан бошқа ким ҳам бунака, япон иероглифларира ӯҳшатиб, муҳими, тушунмайдиган қилиб ёза олади! Ҳеч ким! Шунака, Орзубекнинг тенги йўқ — бекиёс. Шундай кулдидариди, олдида Ҳожи қизиқ ҳам иш эшолмайди! Куллямсан-у, ўғлаворгудайман. Мақолани қачон ёзаман ахир! Сўнгги бор алдаша уриндим:

— Ота, шундай ўтийши кейак-а?

— Ҳа-а, шундай ўтириш керак. Лекин, Орзубек ўғлим, сендан хафаман.

кулими сиради... (нимайиғлами?) Энди кулокни ейиши аниқ. Индамасликка қарор қилдим. Бе-е, қаёқда, қарор куғурғу хукумат қарорларида бузилиди-кетди.

— Бова-а. Бова-а дияппан.

— ...

— Бова-а!

— Ҳа-а?

— Қулоғисга айтами бий гапни?

— ...

— Қулоғисга дияппан?

— Қани айт-чи?

— Вон.

— Ҳа-а?

— Вон, вон, шўйам қулақми?

— ...

— Вон, вон...

— Ҳа-а, нима қипти қулоғимга?

— ...

— Нима қипти ахир?

— Йурсангис-чи, ёй-ай!

Оёғимга шилпакни илишга зўрга улгурдим. Орзубек қўярда-қўймай ташқарига судраб чиқди ва қўлини пеш қилди:

— Ана, ана.

— Нима-а?

— Қулақ-чи, кўймаяпсизми? Ана, ана.

— Қулақка қайянг-эй!

— Нима қипти?

— Катта-ку!

— Эшшакнинг қулоғи-ку у?

— Шу-да, шўйая сисдикидан катта!

— Вон, вон, вон... вах, ҳах, хих-х...

уф-вой-й, вой корним-эй...

Кўзимни қолпаган ёшларни артдим.

Болалик қандай ажойиб фасл-а. Менам шундай эдим. Ўтди кетдя-я. Ҳа-балалигим-а, сенга қайтишнинг ҳеч иложи борми? Йўқ, ҳеч иложи йўқ. Ох, армон, армон бўёғи.

Рўмолчаним чўнтақка яширдим...

